

**ЗООЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 29.08.2017.B.52.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ҚОРАҚАЛПОҚ ТАБИИЙ ФАНЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

МУСАЕВ АБЛАТДИЙН КЕРАМАТДИНОВИЧ

**«КАТТА ОРОЛ ДЕНГИЗИ ЗООПЛАНКТОНИ (ФАУНАСИ,
ЭКОЛОГИЯСИ, СУКЦЕССИЯСИ, АМАЛИЙ АҲАМИЯТИ)»**

03.00.06 – Зоология

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Мусаев Аблатдийн Кераматдинович

Катта Орол денгизи зоопланктони (фаунаси, экологияси, сукцессияси, амалий аҳамияти)..... 3

Мусаев Аблатдийн Кераматдинович

Зоопланктон Большого Аральского моря (фауна, экология, сукцессия, практическое значение)..... 23

Musaev Ablatdiyn Keramatdinovich

Zooplankton of the Large Aral Sea (fauna, ecology, succession, practical importance) 41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 44

**ЗООЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 29.08.2017.B.52.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ҚОРАҚАЛПОҚ ТАБИИЙ ФАНЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

МУСАЕВ АБЛАТДИЙН КЕРАМАТДИНОВИЧ

**«КАТТА ОРОЛ ДЕНГИЗИ ЗООПЛАНКТОНИ (ФАУНАСИ,
ЭКОЛОГИЯСИ, СУКЦЕССИЯСИ, АМАЛИЙ АҲАМИЯТИ)»**

03.00.06 – Зоология

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2020

Биология фанлари буйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.4.PhD/B136 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қорақалпоқ табиий фанлар илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.zoology.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Мирабдуллаев Искандар Мирбатирович
биология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Боймуродов Хусниддин Тошболтаевич
биология фанлари доктори, профессор

Камилов Бахтияр Ганиевич
биология фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Андижон давлат университети

Диссертация ҳимояси Зоология институти ва Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc 29.08.2017.B.52.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «7» февраль куни соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100053, Тошкент шаҳри, Боғишамол кўчаси, 232^б уй. Зоология институти мажлислар зали. Тел.: (+99871) 289-04-65, факс (+99871) 289-10-60; E-mail: zoology@academy.uz).

Диссертация билан Зоология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (28-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100053, Тошкент шаҳри, Боғишамол кўчаси, 232^б уй, Тел.: (+99871) 289-04-65.

Диссертация автореферати 2020 йил «20» январь куни тарқатилди.
(2020 йил «20» январдаги 29 рақамли реестр баённомаси)

Д.А. Азимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
б.ф.д., профессор, академик

Г.С. Мирзаева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, б.ф.н., катта илмий ходим

Э.Б. Шакарбоев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д.,
профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё қитъалари ичида жойлашган сув хавзалари қаторида Орол денгизи ўзининг катталиги жиҳатидан тўртинчи ўринни эгаллаган. Йигирманчи асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Орол денгизига қуйиладиган сувнинг кескин камайиши туфайли унинг майдони 8 баробарга, ҳажми 13 баробарга қисқарди, денгиз сатҳи 27 м га пасайди, денгиз иккита сув хавзасига – Кичик Орол ва Катта Оролга бўлинди. Бу эса, Катта Орол сувининг минерализацияси 10 баробарга кўпайиб, ҳозирги кунда 150 г/л га етди ва Катта Орол шўр кўллар тоифасига киришига олиб келди. Ҳозирги вақтда Орол денгизи дунёдаги энг йирик шўр сув ҳавзаси саналади. Шу сабабли, ундаги абориген (маҳаллий) турларнинг деярли йўқ бўлиши ва Орол биотасининг тубдан ўзгаришига олиб келди. Айниқса, Орол денгизи Марказий Осиёдаги энг йирик балиқ овладиган сув хавзаси ҳисобланган бўлса, 1970 йиллар охирига келиб, бу ерда балиқ овлаш деярли тўхтатилди. Шу сабабли, Орол денгизи зоопланктонининг таксономик структурасини аниқлаш, уларнинг токсномик таркибидаги мавсумий ўзгаришлар қонуниятларини изоҳлаб бериш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Жаҳонда энг йирик кўллардан бири ҳисобланган ва катта аҳамиятга эга бўлган Орол экотизимининг жиддий ўзгариши рўй берган. Лекин, бу ўзгариш жараёни етарлича тадқиқ этилмаган, шунингдек биота ва абиотик параметрларнинг таркибий ўзгаришлар қонуниятлари етарли даражада аниқланмаган. Айниқса, шунга ўхшаш ўзгаришлар Марказий Осиёнинг қурғоқчилик зоналарида жойлашган кўпчилик кўллари учун хосдир. Шунга кўра, Орол денгизи зоопланктонини тадқиқ этиш, ундаги ўзгаришларнинг (сукцессия) қонуниятларини аниқлаш, келажакда бу каби йирик сув хавзалари учун прогностик моделларни яратишда муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Республикамизда Орол денгизи зоопланктонини тадқиқ этишга ва биоресурсларидан оқилона фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мазкур йўналишда 1990 йиллар охирига келиб, Орол денгизи планктонида тузга чидамли қисқичбақасимонлар вакили артемия пайдо бўлганлиги маълум қилинди. Артемия цисталари креветка қисқичбақасини ва қимматбаҳо балиқ турларини етиштиришда бошланғич озиқа сифатида қуллаш ва муҳим экспорт салоҳиятига эга эканлиги изоҳлаб берилди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида¹ “...глобал иқлим ўзгаришлари ва Орол денгизи қуришининг қишлоқ хўжалиги ривожланиши ҳамда аҳолининг ҳаёт фаолиятига салбий таъсирини юмшатиш бўйича тизимли чора-тадбирлар кўриш” вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиқиб, Катта Орол

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

зоопланктонининг таксономик тузилишини аниқлаш, миқдорий ривожланиш ва мавсумий ўзгаришлар қонуниятларини очиб бериш, шўрхок Орол денгизи сувининг кучли шўрланиш ҳолатига ўтиш давридаги зоопланктон таркибидаги ўзгариш қонуниятларини аниқлаш, Орол денгизи артемия цисталарининг ов захираларини аниқлаш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Мазкур диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 майдаги «Балиқчилик тармоғини бошқариш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-2939-сон Фармони, 2018 йил 6 апрелдаги «Балиқчилик тармоғини жадал ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3657-сон қарори, 2017 йил 18 январдаги «2017-2021 йилларда Орол бўйи минтақасини ривожлантириш Давлат дастури тўғрисида»ги ПҚ-2731-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 13 сентябрдаги «Балиқчилик тармоғини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 719-сон қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишларига мос равишда бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи. Дунё бўйлаб қитъа ичидаги сув хавзаларининг зоопланктони XIX асрдан буён жадал ўрганилмоқда. Зоопланктоннинг таксономик ва мониторинг тадқиқотлари бутун дунёда, шу жумладан: Россия Фанлар Академияси Сибир бўлимининг Лимнология институти, Россия Фанлар Академиясининг Зоология институти, Россия Фанлар Академиясининг Ички сувлар биологияси институти, Украина Миллий фанлар академиясининг гидробиология институти, Москва давлат университети, Қозоғистон Миллий фанлар академияси зоология институти, Қозоғистон балиқчилик илмий тадқиқот институти (Алматы), Беларусь балиқчилик илмий тадқиқот институти (Минск), Австрия Лимнологик институти, Limnological Institute (Austria), Research Institute of Fish Culture and Hydrobiology (Czech Rep.) олиб борилмоқда.

Қуриб бораётган «ўлаётган» кўллар муаммосига бағишланган Liège (Liege, Belgiya, 2002 yil) халқаро конференцияси ўтказилган. 1979 йилдан буён «Тузли кўлларни ўрганиш бўйича халқаро жамият» («International society for salt lakes research») мавжуд бўлиб, унда "International J. Salt Lake Research" номли илмий журнал чоп этилиб, мунтазам равишда (ҳар 3 йилда бир марта) «Тузли кўллар бўйича халқаро конференциялар» ўтказилади. Макрозообентос ва зоопланктон тадқиқотлари натижалари бўйича кўплаб халқаро конференциялар ўтказиб келинмоқда.

Ғарбий Сибир тузли кўллари гидробиологияси ва биоресурслари бўйича тадқиқотлар ФГБНУ "ВНИРО" Тюмен филиали (Тюмень, Россия) томонидан, Қозоғистон тузли кўллари бўйича Қозоғистон Миллий фанлар академияси зоология институти ва Қозоғистон балиқчилик илмий тадқиқот институти, Урмия кўлида – Urmia State University (Urmia, Iran), Қримда – Денгиз биологик тадқиқотлар институтида олиб борилмоқда.

XXI асрда Орол денгизи бўйича тадқиқотлар чет элда, асосан, Россия Фанлар Академияси (Москва) Океанология институти ва Россия Фанлар Академиясининг Зоология институти (асосан, Қозоғистонда кичик Орол) томонидан ўтказилиб келинмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунё бўйича минерализациялашган кўллар зоопланктони бўйича кўплаб тадқиқотлар олиб борилган. Охириги йилларда, Минерализациялашган кўллар экологияси, артемия биологияси бўйича бир қатор халқаро анжуманлар ўтказилган (Bordeaux, 1997; Москва, 2001; Liege, 2002; Puerto-Varas, 2003; Urmia, 2004; Langfang, 2014 в.б.). Катта Орол денгизи зоопланктони тўғрисидаги тадқиқотлар 100 йиллик тарихга эга бўлиб, Л.С. Берг (1902) ва С.А. Зернов (1903) тадқиқотларидан бошланган, шунингдек, XX аср иккинчи ярмида денгизнинг мўътадил шўрланиш ҳолатидан ва антропоген шўрланишнинг бошланғич давридаги ҳолати Орол денгизининг балиқчилик аҳамияти туфайли чуқур ўрганилган (Луконина, 1960; Картунова, 1968, 1975; Казахбаев, 1971, 2001; Андреев, 1978, 1999, Аладин, 1982, 1990; ва бошқ.). Экологик сукцессиянинг кейинги босқичларида, Оролнинг хаддан зиёд шўрланишига қадар, тадқиқотлар 1980 йилларга келиб, Катта Оролнинг балиқчилик аҳамияти йўқолиши натижасида кам ўрганилган. Гидробиология бўйича 1990-1992 йилларда И.С. Плотников ва 2005-2009 йилларда Е.Г. Арашкевичларнинг маълумотлари фрагментар кўринишга эга бўлган. 2002 йилдан бошлаб Оролнинг гидрология ва гидрохимияси П.О. Завьялов ва унинг ҳамкасблари томонидан чуқур ўрганилмоқда.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ табиий фанлар илмий-тадқиқот институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг ФА-ФЗ-ТО19 “Амударё дельтасидаги балиқлар популяциялари динамикаси ва кўп омилли таъсирлар шароитида ресурсларни шаклланиши” (2007-2011 й.), ФА-А2 ТОО65 “Амударёнинг қуйи оқими ихтиофаунаси биохилма-хиллигини сақлаш усуллари ва технологиясини ишлаб чиқиш ва аборигенларнинг табиий популяциясини тиклаш” (2012-2014 й.); ФА-А7-ТО94 ПЗ “Қорақалпоғистон балиқчилик соҳасида табиий шароитда олинган балиқ чавоқларини фойдаланишнинг илмий асослари ва амалий тавсияларни ишлаб чиқиш (2015-2017) ва халқаро илмий тадқиқот режаларининг NATOCLG 980143 «*Artemia* colonization of the Aral Sea: hope for adying ecosystem» (2004-2005), NATOSfP 980859 «Economic and ecological

benefits from sustainable use of the Aral Sea *Artemia* resources» (2005-2007) мавзусидаги фундаментал тадқиқотлар лойиҳалари дойрасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Орол денгизи зоопланктон организмлари таркибининг мавжуд ҳолатини ва таркибидаги кўп йиллик сукцессияси қонуниятларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Катта Орол зоопланктонининг таксономик тузилишини аниқлаш;

Катта Орол зоопланктонининг миқдорий ривожланиш қонуниятларини очиқ бериш;

Катта Орол зоопланктони доминант вакиллариининг биологик хусусиятларини асослаш;

зоопланктоннинг мавсумий ўзгаришлар қонуниятларини аниқлаш;

Шўрхок Орол денгизи сувининг кучли шўрланиш ҳолатига ўтиш давридаги зоопланктон таркибидаги ўзгариш қонуниятларини изоҳлаб бериш;

Орол денгизи артемия цисталарининг ов захираларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Орол денгизи планктон ҳайвонлари (ротифералар, копеподалар, жабраоёқлилар) ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети Орол денгизи биоэкологияси ва биоресурслари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда стандарт гидробиологик, лаборатория ва статистик таҳлил усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Катта Оролнинг зоопланктон организмларининг хилма-хиллик ҳолати баҳоланган;

Катта Орол зоопланктон организмлари ривожланишининг миқдорий кўрсаткичлари аниқланган;

Орол денгизи зоопланктон организмлари таркибида доминант ҳисобланган *Artemia parthenogenetica* тури биологияси бўйича янги маълумотлар очиқ берилган;

Орол денгизи сувининг шўрхок ҳолатидан кейинги кучли шўрланиш ҳолатига ўтиш давридаги зоопланктон таркибидаги ўзгаришлар мунтазамлиги аниқланган;

зоопланктоннинг мавсумий ўзгаришларидаги қонуниятлар асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Орол денгизи артемия цисталари тижорий захиралари баҳоланган ва улардан барқарор фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган. Орол денгизи зоопланктони таркибидаги кўп йиллик ўзгаришлар тўғрисида олинган маълумотлар шўр сувли экотизимларни экологик прогноз ва мониторинг қилишда, ўқув-услубий адабиётларни тайёрлашда, шунингдек, олий ва ўрта махсус ўқув юртида маърузалар ўқиш учун ишлатилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги гидробиологияда кўп марта синовдан ўтказилган ишончли стандарт методлардан фойдаланилганлиги, бу тадқиқот мақсадларига мос келади ва тўпланган, қайта ишланган ва таҳлил қилинган материалларнинг етарлича миқдорда эканлиги, диссертация тадқиқоти ваколатли давлат тузилмалари томонидан тасдиқланганлиги ва уларни амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Орол денгизи сувининг шўрхок ҳолатидан кейинги кучли шўрланиш ҳолатига ўтиш давридаги зоопланктон таркибидаги ўзгаришларни илк бор таърифланганлиги билан изоҳланади; илк бор Орол денгизи артемияси популяциясининг келиб чиқиши, таркиби ва мавсумий динамикаси ўрганилган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Ўзбекистоннинг янги биологик ресурсларидан бири бўлган артемия цисталарини йиғишда (овлашда) ҳам йиллик миқдорини аниқлашнинг зарурлиги ва мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Катта Орол денгизи зоопланктони бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Орол артемия цисталарини ҳажм (миқдор) бўйича йиғиш ҳамда йиғиш муддатлари ва таъқиқлаш муддатлари юзасидан ишлаб чиқилган тавсиялар Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг Мўйноқ тумани бўлими амалиётига жорий қилинган (Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2019 йил 2 майдаги 03-01/18-7-1596-сон маълумотномаси). Натижада ушбу биоресурсдан барқарор фойдаланиш ва Орол денгизига нисбатан артемия ресурсларини бошқаришнинг оптимал стратегиясини ишлаб чиқиш имконини берган.

Дианауза ҳолатидаги цисталардан олинган артемиянинг баъзи параметрлари ва биологик хусусиятлари асосида артемия цисталаридан балиқ чавоқлари учун бошланғич озика сифатида фойдаланиш бўйича ишлаб чиқилган амалий тавсиялар «Нукус Балиқ» МЧЖда амалиётига жорий қилинган (Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 7 майдаги 04/014-1167-сон маълумотномаси). Натижада таркибида балиқ чавоқларини юқори яшовчанлигини таъминловчи аминокислоталар, витаминлар, микроэлементлар, ёғ кислоталари ва ферментларни ўз ичига олган жонли озуқадан фойдаланиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан, 10 та халқаро ва 2 та республика илмий ва илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари

натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, турт боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 113 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида олиб борилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати, мақсади ва вазифалари асосланган, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республикамиз фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Орол денгизида ўтказилган гидробиологик тадқиқотлар таҳлили”** деб номланган биринчи бобида альгофлорани ўрганиш босқичлари ва Орол денгизи сувўтлари комплекси, Орол денгизи бентоси асосий таркиби ва ўзгаришлари баён қилинган. Ҳамда 7 та оилага мансуб 20 турдан иборат бўлган Орол денгизи ихтиофаунаси, уларнинг балиқчиликдаги аҳамияти ва янги балиқ турларини акклиматизация қилиш бўйича олиб борилган ишлар тўғрисидаги маълумотлар ўз аксини топган. Акклиматизация қилинган янги турдаги сув организмлари ва шўрланиш даражасининг Орол денгизи фаунаси таркибида бўлиб ўтган ўзгаришларга таъсири таҳлил қилинган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот материаллари, услублари ва Орол денгизининг физик-географик хусусиятлари”** деб номланган иккинчи бобида мақсад ва белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда методлар, методик услублар ва тадқиқотнинг ҳажми (амалга оширилган экспедициялар, зоопланктон бўйича олинган ва таҳлил қилинган намуналар сони) тақдим этилган. Тадқиқотлар Катта Орол денгизи Ғарбий ва Шарқий қисмларида 2000-2018 йиллар мобайнида ўтказилган.

Бундан ташқари, Катта Орол денгизининг барқарор давридаги ва ҳозирги ҳолатидаги сувининг ҳажми, сатҳи, ҳарорат режими, шунингдек, сувнинг ион-туз таркиби ва кўп йиллик минерализация динамикасига оид маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Зоопланктон таркибидаги кўп йиллик ўзгаришлар»** деб номланган учинчи бобида Орол денгизининг адабий манбалардан ўтган асрга оид зоопланктон тур таркиби ва бу бўйича кейинги тадқиқот натижалари таҳлил қилинган.

Орол денгизининг табиий режимида (қуриб бошлашидан олдинги) зоопланктоннинг тур таркиби денгиз суви шўрлиги камроқ ҳудудларидан шўрланган ҳудудлари томон табиий равишда камайиб борган ва марказий ҳудудларда чучук сувда яшовчи турларнинг шўр сувда яшаш қобилятига эга

бўлган айрим турлари ёки камроқ шўрланган сувларда яшовчи махсус турлар ва шўрли сувларда яшашга мослашган денгиз турларигина яшаб, кам сондаги турлар учраган. Орол денгизининг табиий режимида зоопланктоннинг тур таркиби 1900 йилги Л.С.Берг томонидан ва 70-йилларга қадар йиғилган намуналарда ўзгаришсиз келган. Орол денгизи зоопланктони таркибидаги ўзгаришлар денгиз суви шўрланиши 12-13% га кўтарилиши натижасида 1971-1976 йиллардан бошланди ва шу вақтдан бошлаб Орол денгизи суви кам шўрланган сувлар қаторидан чиқди. Бу йиллар мобайнида зоопланктон таркибидан биринчи бўлиб денгизнинг чучук сувли худудларида яшовчи турлар йўқ бўлди. 1976 – 1980 йилларда денгиз суви шўрланиши 14% дан ошиши билан Орол денгизи зоопланктонида 18 тур аниқланилиб, улардан 7 тури: *Synchaeta vorax*, *S. cecilia*, *S. gyrina*, *Podonevadne camptonux*, *Evadneanonyx*, *Calanipeda aquaedulcis*, *Halicyclops rotundipes aralensis* барқарор ва кенг тарқалган бўлиб, 4 тури: *Brachionus plicatilis*, *B. calyciflorus*, *Notholca squamula*, *Acanthocyclops bisetosus*; денгизнинг белгили айрим худудларида, 2 тури: *Podonevadne trigona*, *P. angusta* кам учрайдиган турлар қаторига кирган. Қолган 5 турдан биттаси *Cercopagis pengoi aralensis* фақат 1980 йилга қадар учраган, *Notholca acuminata*, *Eosphora ehrenbergi*, *Acanthocyclops viridis*, *Thermocyclops crassus* Орол денгизи зоопланктонидаги тасодифий турлар қаторига кирган (Андреев, 1989).

1987 йилга келиб, Орол денгизи шўрланиши 27% кўтарилди ва бу шўрланиш денгиз сувининг 2-барьерли шўрланишнинг (27-32) пастки чегарасига тўғри келади (Plotnikov, Aladin, 2011). Иккинчи кризисли даврдан сўнг зоопланктон таркибидаги абориген ротифералардан *Synchaeta* spp., *Notholca squamula*, *N. acuminata*, *Keratella quadrata*, *Brachionus plicatilis*, *B. quadridentatus* турлари, эшкаккоёкли қисқичбақасимонлардан *Calanipeda aquaedulcis*, *Halicyclops rotundipes aralensis* ва Harpacticoida туркумидан бир неча турлар, таъкидлаб айтганда, *Schizopera aralensis*, *Nitocra lacustris*, *Halectinosoma abrau*, *Cletocamptus retrogressus*, *C. confluens* турлари сақланиб қолган (Плотников, 2016).

Катта Орол денгизи иккига бўлиниши билан, унинг шўрланиши ўсиши жадаллашди ва 1990 йиллар охирига келиб, кейинги барьерли шўрланиш 47-52% даражасига ўтиши оқибатида Орол денгизи жуда юқори шўрланган (гипергалин) сув омборига айланди (Plotnikov, Aladin, 2011). Бу таназзул оқибати Катта Орол денгизи зоопланктони тур хилма-хиллигининг бундан кейинги қисқаришига ва натижада, планктондаги олдинги доминант *C. aquaedulcis* турининг йўқ бўлиши ва *Moina salina* ҳамда *Artemia parthenogenetica* турларининг пайдо бўлишига олиб келди (Mirabdullayev et al., 2004).

2001 йили Орол зоопланктони таркиби: ротифера *Hexarthra fennica*, жабраоёкли *Artemia parthenogenetica*, гарпактицид *Cletocamptus retrogressus* ва чивин личинкаси *Vaeotendipes cf. noctivaga* дан иборат бўлди. Шунингдек, 2004-2005 йилларда *Apacyclops dengizicus* циклопи қайд этилди. 2007 йил Катта Орол суви минерализациясининг ўсиши зоопланктон хилма-

хиллигининг бундан кейинги камайиши, Ғарбий ҳавзада 3 тур ва Шарқий ҳавзада 1 тур (*A. parthenogenetica*) қолишига олиб келди.

Ҳозирги вақтда Катта Орол денгизи шарқий ҳавзаси тўлиғича қуриб қолди, ғарбий ҳавза зоопланктонини фақат битта тур *Artemia parthenogenetica* ва зообентос таркибини чивин личинкаси *Baeotendipes cf. noctivaga* ташкил этади.

Зоопланктоннинг миқдорий ривожланиши мунтазамлиги.

Зоопланктоннинг миқдорий ривожланиши бўйича барча тадқиқотчиларнинг таърифи (Бенинг, 1934; Луконина, 1960; Яблонская, Луконина, 1962; КОРТУНОВА, 1972) бир-бирига мос келади ва Орол денгизининг қурий бошлаши ва унга гидробионтларни акклиматизация қилишдан олдинги даврдаги зоопланктоннинг ривожланиш даражаси ва структурасини ақс эттиради. Орол зоопланктонининг миқдорий ривожланиши ва таркибида кескин бузилишлар 1959 – 1961 йилларда, яъни денгиз сатҳининг пасайиши ва шўрланишининг ошиши бошланишидан олдин содир бўлган. Собиқ доминант *Arctodiaptomus salinus* ва йирик кладосералар (*Moina mongolica*, *Ceriodaphnia reticulata*, *Cercopagis pengoi aralensis*) сонини камайишига сабаб, бу денгизга планктон билан озикланувчи балиқларнинг акклиматизацияси натижасида бўлди (КОРТУНОВА, Луконина, 1970; КОРТУНОВА, 1972). Планктонда йирик қисқичбақасимонлар миқдорининг пасайиши билан майда формалар – ротифералар, моллюска личинкалари сонининг кўпайиши кузатилди (КОРТУНОВА, 1975). 1969 йилдан кейин зоопланктон биомассасининг ўсиши асосан Орол денгизига *Calanipeda aquaedulcis* нинг олиб келиниши билан боғлиқ. 1989 – 1992 йилларда Катта Орол денгизи суви шўрланишининг ўсишига қарамадан, зоопланктон биомассаси 26,1 мг/м³ дан 132,2 мг/м³ гача бўлган, яъни 1976 – 1981 йиллар даражаси миқдоридан, сони эса, (5,2 – 16,2 минг экз./м³) ротифералар сони камайиши натижасида 2 бараварга камайган.

2001-2002 йилларда Катта Орол денгизи ғарбий ҳавзаси зоопланктонининг сон ва биомасса кўрсаткичлари (артемияга оид кўрсаткичлар киритилмаган) ҳақида маълумот 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Ғарбий қисмда зоопланктоннинг сон (экз./м³, юқори қатор) ва биомасса (мг/м³, пастки қатор) кўрсаткичлари

Тадқиқот олиб борилган ҳудуд	Организмлар/ойлар	2001 йил						
		V	VI	VII	VIII	IX	X	XI
Ақтумсуқ	<i>Hexarthra oxyuris</i>	120	4700	813	1200	1900	2209	-
		0,01	0,47	0,08	0,12	0,19	0,22	-
	<i>Cletocamptus retrogressus</i>	7	4	9	7	4	2	2
		0,09	0,05	0,12	0,09	0,09	0,02	0,03
	<i>Cyprideis torosa</i>	2	3	3	3	7	2	1
0,03		0,04	0,04	0,04	0,04	0,01	0,01	

	Жами:	129	4707	825	1210	1911	2213	3
		0,13	0,56	0,24	0,25	0,32	0,25	0,04
		2002 год						
		I	II	III	IV	V	VI	VII
Ақтумсуқ	<i>Hexarthra oxyuris</i>	-	-	-	-	-	-	-
		-	-	-	-	-	-	-
	<i>Cletocamptus retrogressus</i>	1	1	-	2	3	2	3
		0,01	0,01	-	0,01	0,05	0,05	0,05
	<i>Cyprideis torosa</i>	2	1	2	3	5	7	3
		0,05	0,01	0,05	0,05	0,09	0,1	0,05
	Жами:	3	2	2	5	8	9	6
		0,06	0,02	0,05	0,06	0,14	0,06	0,1

2004 йилда зоопланктон таркиби деярли фақат артемиядан ташкил топди. Янада унчалик кўп бўлмаган сонда *Turbellaria gen. sp.*, ротифера *Hexarthra fennica*, инфузория *Ciliata gen. sp.*, циклоп *Aprocyclops dengizicus* (сўнгги 10 йил ичида Катта Орол денгизида илк бор) учраган.

2005 йил кузда Шарқий Орол ҳавзасининг жанубий қисмига катта миқдордаги сув қўшилиши ва тузланиши пасайиши туфайли планктон таркибида сезиларли ўзгаришлар юз берди. Жуда кўп сонда *Brachionus plicatilis*, *Moina salina* ва *Aprocyclops dengizicus* каби турлар пайдо бўлди ва зоопланктоннинг умумий хилма-хиллиги ҳам ошди (2-жадвал).

2-жадвал

2005 йилда Орол денгизи зоопланктони таркибидаги мавсумий ўзгаришлар

	Ғарбий қисм				Шарқий қисм		
	V	VIII	IX		V	VIII	IX
<i>Turbellaria gen. sp.</i>	+	+	+		+	+	+
<i>Hexarthra fennica</i>	+	+	+		-	-	+
<i>Brachionus plicatilis</i>	-	-	+		-	-	+
<i>Cletocamptus retrogressus</i>	+	+	+		+	+	-
<i>Aprocyclops dengizicus</i>	+	+	-		+	+	+
<i>Moina salina</i>	-	-	-		-	-	+

Ғарбий қисмни вегетация даврида зоопланктоннинг миқдорий ривожланишида катта ўзгаришлар аниқланмади. Сон кўрсаткичлари 2600-3200 экз/м³, биомассаси 2-4 мг/м³ аторофида бўлиб, ёзги кўрсаткичлар унчалик катта бўлмаган пастрок даражага эга.

Шарқий қисм кўрсаткичлари бутунлай бошқача. Баҳорги ва ёзги даврлардаги кузатишларда биомасса кўрсаткичлари Ғарбий қисм кўрсаткичларига яқин, лекин сон кўрсаткичлари анча паст бўлди, бу зоопланктоннинг асосий таркиби ротифералардан эмас, эшқакоёкли қисқичбақасимонлардан шакллланганлиги сабабли эди. Сентябрь ойида,

эхтимол, катта ҳажмда сув қўшилиши туфайли, зоопланктон ривожланишида кўтарилиш кузатилди – зоопланктон биомассаси ва сон кўрсаткичлари 2 мартага ошди (3-жадвал).

3-жадвал

2005 йилда Орол денгизи зоопланктонининг миқдорий кўрсаткичларининг мавсумий динамикаси


	Ғарбий қисм			Шарқий қисм		
	V	VIII	IX	V	VIII	IX
Сони, экз/м ³	3210	2649	2877	202	134	48654
Биомасса, мг/м ³	1.88	1.75	3.64	1.96	1.88	609.23

Диссертациянинг “**Артемия популяцияси тузилиши ва динамикаси**” деб номланган тўртинчи бобида Орол денгизи Ғарбий ва Шарқий ҳавзаларида артемия популяциясининг ривожланиш динамикаси ва сони тўғрисидаги кўп йиллик тадқиқотлар натижалари тақдим этилган. Артемиянинг ҳар бир авлодининг ривожланишидаги ҳамма ўсиш босқичлари, сони, биомассаси ва яшовчанлиги ўрганилган.

Ғарбий қисм артемия популяцияси. Шўр сувларда яшашга мослашган артемия қисқичбақаси дунёда денгиз сувларидан бошлаб, юқори даражада шўрланган қитъа ичида жойлашган кўлларгача тарқалган. Унинг тузлилик даражасидаги яшаш диапазони жуда кенг бўлиб, 10 г/л дан 340 г/л гача етади. 2000 йиллардан бери Орол денгизи планктонининг доимий ва доминант таркибий қисмига айланган бўлиб, умумий зоопланктон биомассасининг 99 фоизини ташкил этади (Мирабдуллаев ва бошқ., 2001).


Совуқ иқлим шароитидаги артемиянинг репродуктив биологияси қишлаб чиққан цисталарнинг атроф-муҳит шароитлари қулай бўлган баҳор ойларида популяцияни ривожлантиришига яхши имконият яратади. Артемиянинг йиллик репродуктив потенциалига унинг туғилиши, ўсиши, яшовчанлиги ва репродукция бошланиши муҳим аҳамиятга эга. Натижалар шуни кўрсатадики, 1 литрда 0,5 дан 5 та цистагача бўлиши баҳорги популяциянинг муваффақиятли ривожланиши учун етарли миқдорни ташкил этади.

Биринчи авлоднинг ўсиб етилиш вақти 40-45 кунни ташкил этади. Ювенил ҳолатдаги артемиялар май ойида пайдо бўлади. Жинсий жиҳатдан етилган артемияларни биринчи бўлиб июнь ойи бошларида санаш мумкин. Ўтказилган тадқиқотлар даврида жинсий жиҳатдан етилган артемиялар сони 1 литрда 0,01 дан 0,19 гача бўлганлиги аниқланди (1-расм).



1-расм. 2002-2017 йилларда май ва июнь ойларида Ғарбий Орол денгизида жинсий жиҳатдан етилган артемия урғочилари мавжудлиги схемаси (экз./л).


Намуналар таҳлили асосида, йил давомида урғочи жинсдаги артемиялар репродукциясида катта фарқ мавжудлигини хулоса қилиш мумкин. Дастлабки авлод учун репродукциянинг асосий шакли тирик туғиш (ovoviviparously) усули ҳисобланади. Циста қўйиш йўли билан кўпайиш жараёни июль-август ойларида амалга ошади: репродукциянинг 90 фоизи шу тарзда содир бўлади (2-расм).




2-расм. Ғарбий Оролнинг артемия популяциясининг кўпайишида циста қўйиш ва тирик туғиш усуллари таққослаш

Баҳорги тадқиқот даври давомида артемиянинг умумий сони 0,1 дан 10,1 экз./л га қадар кўрсаткичларга эга бўлди ва бу вақт оралиғида артемиянинг науплий босқичидагилари сон жиҳатдан устунлик қилади. Тадқиқотнинг ёзги даврида артемиянинг умумий сони 1,09 дан 23,6 экз./л га қадар кўрсаткичларга эга бўлди ва популяция таркибини артемиянинг

ривожланишида мавжуд бўлган барча босқичлардаги индивидлар максимал даражадаги миқдори билан қатнашади. Кузги даврда барча индивидлар умумий сони 0,4 дан 20,4 экз./л ташкил этди. Бу мавсумда барча индивидлар ичида цисталар сони сентябрь ойидан ноябрь ойигача кўпайиш тенденциясига эга бўлган ҳолда устунлик қилади (3-4 расмлар).



3-расм. 2001 – 2010 йиллар оралиғидаги Орол денгизи ғарбий қисмидаги артемия популяциясининг умумий сони динамикаси (экз./л).




4-расм. 2011 – 2018 йиллар оралиғидаги Орол денгизи ғарбий қисмидаги артемия популяциясининг умумий сони динамикаси (экз./л).

Биомассани ҳисоблашда 2001-2018 йиллар давомида йиғилган материаллар тадқиқоти натижаларидан фойдаланилди.

Шарқий қисм артемия популяцияси. Шарқий Оролнинг қирғоқларига ўтишни чекловчи табиий сабабларга кўра, ўтган давр ичида унинг артемия популяциясининг динамикаси тўғрисида батафсил маълумотларга эга


бўлмадик. Бироқ, 2005 - 2008 йиллар давомида Шарқий Орол денгизига экспедициялар ATV квадродцикллари ёрдамида амалга оширилди, ва маълумотларни олиш имконияти яратилди.

Таъкидлаш керакки, Шарқий ва Ғарбий Оролнинг артемия популяцияси ўртасида сезиларли фарқлар мавжуд. Шарқий Орол популяцияси ҳамма жиҳатдан Ғарбий Орол популяцияси даражасидан анча баланд. Шарқий Орол популяцияси сони ўша йиллардаги кузатувларга кўра, Ғарбий Оролнинг популяциясига хос хусусиятларига солиштирганда, 5 дан 25 баравар юқори кўрсаткичларга эга эди. Маҳсулдорлиги жиҳатидан Ғарбий Орол популяциясидан 16 бараварга юқори. Бундай юксак маҳсулдорлик сувда кўп миқдорда цисталар мавжудлигини акс эттирди: ўрганилган даврда 0,8 дан 47,6 дона/л гача цисталар сони қайд этилди, шу вақтда Ғарбий Орол денгизигадаги цисталар сони 0,11 дан 6,3 дона/л ташкил этиб, 8 мартага кам кўрсаткичга эга бўлди. Ушбу давр мобайнида науплийлар босқичдаги индивидлар сони 2005 йил июнь ойида 1 литрга 0,45 донадан 2008 йил июнь ойида 23,8 донагача тўғри келса, бу даврда ғарбий қисмда 0,15 донадан 3,78 донагача кўрсаткичларга эга бўлди (5-расм).



5-расм. 2005-2008 йилларда Орол денгизигадаги артемия цисталари (С) ва науплийлар (N) мавжудлиги схемаси (экз./л).

2005-2008 йиллар оралиғидаги тадқиқотлар мобайнида биомасса кўрсаткичлари мунтазам равишда кўтарилиб борди, 2005 йил июнь ойида 1,73 г/м³ бўлган бўлса, 2008 йил июль ойида бу кўрсаткич 20,6 г/м³ га етди. Энг юқори кўрсаткич 33,2 г/м³ 2006 йилнинг май ойига тўғри келди. Мавсумий ўзгаришларда, одатда, бу кўрсаткичлар баҳор мавсумининг охиридан ёз мавсумининг охирига қадар даврда ўзининг энг юқори даражасига етади (6-расм).



6-расм. Орол денгизинг шарқий қисмидаги биомассанинг мавсумий ўзгаришлар динамикаси (г/м³). 2005-2008 йиллар учун ҳисобланган ўртача қиймати.

2005 йил давомида артемия биомассаси 1,73 г/м³ дан 6,07 г/м³ оралиғида ва ўртача 4,33 г/м³ ни ташкил этган бўлса, 2006 йили бу кўрсаткич 10,8 г/м³ дан 33,2 г/м³ оралиғида ва ўртача 19,3 г/м³ ни ташкил этди.

Тадқиқот даври мобайнида артемиянинг науплий босқичидаги индивидларнинг жинсий ривожланган босқичига етишиш давридаги омон қолиш даражаси барча мавсумларда 0,4% дан 2,2% гача ўзгариб турди. Науплийлар сони ва тирик қолиш фоизи ўртасида салбий боғлиқлик аниқланган бўлиб, науплийлар сони қанча кўп бўлса, уларнинг жинсий ривожланган босқичигача етиб бориш даражаси эҳтимоли шунчага камаяди.

Орол денгизи артемияси цисталарининг сифати. Популяция микдоридан ташқари, бозор талаб қиладиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича унинг салоҳиятига (потенциалига) таъсир этувчи кўплаб ўзгарувчан омиллар мавжуд. Сифати, мавжудлиги, тозаллиги, туғилиш фоизи, сақлаш шароитлари, озуқавий қиймати, циста ҳажми – мана шулар дунё бозорида артемия цисталарига бўлган талабни белгиловчи энг муҳим омиллардан бир нечтаси.

Белгиянинг Гент университети қошидаги «Artemia Reference Center» лабораториясида, ушбу лаборатория томонидан ишлаб чиқарилган стандарт усуллардан фойдаланиб, Орол денгизи артемия цисталарининг баъзи параметрлари текширилди. Орол артемияси цисталаридан 24 соат давомида инкубация жараёнида олинган науплийлар узунлиги ўртача (ҳар хил намуналардан олинган 500 индивидлар ўлчамидан) 0,490 мм ва декапсуляцияланган цисталар диаметри ўртача (ҳар хил намуналардан олинган 1000 та цисталар ўлчамидан) 0,247 мм эканлиги аниқланди.

Шундай қилиб, Орол артемияси цисталарининг ўлчами тижорат жиҳатидан мақбул ҳисобланган ўлчамга (диаметри 0,250 мм кам бўлган цисталар энг катта талабга эга) яқин ҳисобланади. Жаҳон бозорида энг кўп талабга эга цисталар диаметри 0,220-0,230 мм, шу билан бирга диаметри

каттароқ ва тижорат жиҳатидан камроқ кузатиладиган Эрон цисталари ўлчами 0,260-0,287 мм (Abatzopulos et al., 2006), Хитой цисталари ўлчами 0,233-0,280 мм ўлчамга эга (Xin, 2004).


Артемия цисталарининг туғилиш фоизи уларни тижорат қийматини белгиловчи ва дунёнинг аквакультура бозорида сотиш имкониятини берувчи асосий параметр ҳисобланади. Стандарт услубда цисталарнинг туғилиш фоизини аниқлаш мақсадидаги тажрибалар ўтказилди (Sorgelos et al., 1986; Литвиненко и др., 2000). 2003-2005 йиллар қиш мавсумида Орол денгизи соҳилларида тўпланган цисталар кимёвий усул, яъни водород перекиси ёрдамида диапауза ҳолатидан чиқарилиб, сувнинг тузлилик даражаси 32 г/л ва ҳарорати 24° С муҳитида культивация қилинганда, туғилиш фоизи натижалари 24 соатдан кейин 84% ни ва 48 соатдан сўнг 92% етиб яхши кўрсаткичларга эга бўлди.

Артемиянинг озуқа сифатида муҳим биокимёвий хусусиятларидан бири, фоизлик нисбати томонидан денгиз ёки чучук сув аквакультурасида қўлланилишида муҳим бўлган жуда кўп тўйинмаган ёғли кислоталарнинг мавжудлиги ҳисобланади (Lavens et al., 1986).

Тадқиқот натижаларига кўра, Орол артемияси цисталари ҳажми, туғилиш фоизи ва тўйинмаган ёғ кислоталарининг мавжудлиги бўйича халқаро сифат стандартларига тўлиқ мос келиши ҳақида хулоса қилишимиз мумкин.

Орол денгизи артемия цисталарини йиғиш ва фойдаланиш истиқболлари. Ҳажмининг кичиклиги, юмшоқлиги ва юқори озуқавий қиймати туфайли науплий босқичидаги артемияларни озуқа сифатида кўпчилик балиқ турлари чавоқларига ҳаётининг биринчи куниданок фойдаланиш мумкин. Айниқса, артемиянинг қимматбаҳолиги унинг цисталари узок вақт давомида яшовчан бўлиб қолиши ва ҳар қандай вақтда науплий ёки декапсуляцияланган шаклида кўп миқдорда бошланғич жонли озуқа олиш мумкин (Lavens et al., 1986).

Орол денгизи муҳим аҳамиятли артемия сув омборларидан бири бўлиш потенциалига эга. Орол денгизиде бўлиб ўтган ўзгаришлар экологик ва иқтисодий фалокат сабабли бўлганлигини ҳисобга олсак, унда пайдо бўлаётган артемия популяциясининг тижорат мақсадларида фойдаланиш потенциали жамият ва Ўзбекистон аҳолисининг иқтисодий жиҳатдан асосланган имкониятларини вужудга келтиради. 2010 - 2018 йиллар оралиғи артемия цисталарини йиғиш жараёнида кўрсаткичлари 9,3 тоннадан 416 тоннага ортди (7-расм).



7-расм. 2010-2018 йилларда Орол денгизи Ғарбий ҳавзасидан йиғилган артемия цисталарининг (тонна) узок муддатли динамикаси (Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитасининг маълумотлари)

Истеъмол талабининг ўсиши ва цисталарнинг юқори тижорат салоҳияти заҳираларга бўлган антропоген босимнинг ошишига олиб келди. Бундай шароитларда артемия популяцияси сони камайиб кетиши олдини олиш мақсадларида умумий циста заҳираларини аниқлаш ва олиниши мумкин бўлган миқдорни асослаш вазифалари муҳим аҳамиятга эга. Олиниши мумкин бўлган миқдор пасайтирилиб берилган вазиятда цисталарнинг мақбул тўпланиши таъминланмайди ва уларнинг фойдасиз нобуд бўлишига олиб келади, юқори берилган вазиятда кўп олиниши натижасида келгуси йилда ресурс қайта тикланмайди (Литвиненко и др., 2002).

Бизнинг мамлакатимизда биологик маҳсулотнинг ушбу тури янги тармоқ ҳисобланиб, ҳозирча артемия цисталари заҳираларини башқариш асослари ишлаб чиқилмаган. Шунинг учун Орол денгизи шароитларида қулланилиши мумкин бўлган артемия цисталарини бошқариш асосларини ҳамда ОМБХ (олиниши мумкин булган ҳажм) ни ишлаб чиқиш зарур.

ХУЛОСАЛАР

«Катта Орол денгизи зоопланктони (фаунаси, экологияси, сукцессияси, амалий аҳамияти)» мавзусидаги диссертация ишини бажариш доирасида олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Юқори даражали шўрланиш босқичидаги Катта Орол денгизи зоопланктонининг таксономик структураси аниқланди. Натижада, зоопланктон таркибини ягона бир тур – галобионт жабраоёқли қисқичбақа *Artemia parthenogenetica* эгаллаб, Катта Орол «артемия сув омборига» айланганлиги изоҳлаб берилди.

2. Зоопланктоннинг токсномик таркибидаги мавсумий ўзгаришлар қонуниятлари очиб берилди. Шунга кўра, сув кўп бўлган йиллардаги минерализациянинг пасайиши Катта Оролда ротифера ва

қисқичбақасимонларнинг тузга чидамли турларининг қисқа муддатли пайдо бўлишига олиб келиши изоҳланди.

3. Катта Орол артемия зоопланктонининг миқдорий ривожланиш қонуниятлари асосланди. Артемия популяцияси сони максимал даражага май ойида етиши ва жинсий етилган индивидлар сони жиҳатидан ўзининг энг юқори нуқтасига июнь ойида етиши аниқланди.

4. Катта Орол зоопланктони доминант вакили артемия популяциясининг динамикаси ва тузилиши таҳлил этилди. Артемиянинг йил давомида 3-4 авлоди бўлиши қайд этилди. Қишки диапаузадан сўнг биринчи науплий босқичидаги артемиялар апрель ойида пайдо бўлади. Май-июнь ойларида артемиянинг кўпайиши асосан тирик туғиш йўли билан, циста ташлаш орқали кўпайиши июнь ойларидан бошланади.

5. Орол денгизининг олдинги ҳолатидан кейинги кучли шўрланиш ҳолатига ўтиш давридаги зоопланктон таркибидаги ўзгаришларнинг қонуниятлари аниқланди. Бу сув омборининг шўрланиш даражаси ортиши натижасида зоопланктон таркибидаги турлар хилма-хиллиги камайиб борди ва 2010 йилга келиб шўрланиш даражасининг 120 г/л га етиши билан зоопланктон таркибида ягона тур артемиянинг қолиши билан яқунланди.

6. Катта Орол Ўзбекистон учун янги биомаҳсулот берувчи «артемия сув омборига» айланди. Катта Орол денгизининг Ўзбекистонга тегишли ҳудудидан артемия цисталарини йиғиб олиш бошланганидан буён (2010 йилда 9,3 тонна) сезиларли даражада барқарор ўсиб бориши (2018 йилда 416 тонна) аниқланди.

7. Цисталар сифатини белгиловчи асосий кўрсаткичлар (ўлчами, туғилиш фоизи, ёғ кислотаси таркиби) аквакультурада балиқ ва креветкалар учун асосий озиқланиш талабларига жавоб бериши асосланди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc. 29.08.2017.В.52.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ ЗООЛОГИИ И
НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

**КАРАКАЛПАКСКИЙ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ
ИНСТИТУТ ЕСТЕСТВЕННЫХ НАУК**

МУСАЕВ АБЛАТДИЙН КЕРАМАТДИНОВИЧ

**ЗООПЛАНКТОН БОЛЬШОГО АРАЛЬСКОГО МОРЯ (ФАУНА,
ЭКОЛОГИЯ, СУКЦЕССИЯ, ПРАКТИЧЕСКОЕ ЗНАЧЕНИЕ)**

03.00.06 – Зоология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) по биологическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2017.4.PhD/В136.

Диссертация выполнена в Каракалпакском НИИ естественных наук ККО АН РУз.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.zoology.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:	Мирабдуллаев Искандар Мирбатирович доктор биологических наук, профессор
Официальные оппоненты:	Боймуратов Хусниддин Тошболтаевич доктор биологических наук, профессор Комилов Бахтиёр Ганиевич доктор биологических наук
Ведущая организация:	Андижанский государственный университет

Защита диссертации состоится «7» февраля 2020 года в 14⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.29.08.2017.В.52.01 при Институте зоологии и Национальном университете Узбекистана (Адрес: 100053, г. Ташкент, ул. Богишамол, дом 232^б. Тел.: (+99871) 289 04 65, факс: (+99871) 289 10 60, e-mail: zoology@academy.uz)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института зоологии (зарегистрировано за №28). Адрес: 100053, г. Ташкент, ул. Богишамол, дом. 232^б. Тел.: (+99871) 289 04 65.

Автореферат диссертации разослан: «20» января 2020 года.
(реестр протокола рассылки № 29 от «20» января 2020 года).

Д. А. Азимов
Председатель Научного совета по
присуждению учёных степеней, д.б.н.,
профессор, академик

Г. С. Мирзаева
Ученый секретарь Научного совета
по присуждению учёных степеней,
к.б.н., старший научный сотрудник

Э. Б. Шакарбоев
Председатель Научного семинара при
Научном совете по присуждению учёных
степеней, д.б.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии PhD)

Актуальность и востребованность темы диссертации. Аральское море некогда являлось четвертым по величине континентальным водоемом в мире. В связи с резким сокращением со второй половины XX в. притока воды в Аральское море его площадь сократилась более чем в 8 раз, объем в 13 раз, уровень упал на 27 м, море разделилось на два водоема – Малый Арал и Большой Арал. В результате, минерализация воды в Большом Арале возросла более чем в 10 раз, достигнув к настоящему времени 150 г/л, т. е. Большой Арал перешел в разряд раповых озер. В настоящее время Аральское море является крупнейшим в мире раповым («рассольным») водоемом. Как следствие, это привело к кардинальным изменениям в составе аральской биоты, из которой практически исчезли аборигенные (местные) виды животных. Если ранее Арал являлся крупнейшим в Центральной Азии рыбохозяйственным водоемом, то уже в конце 1970-х гг. промысел рыбы здесь практически прекратился. Поэтому важное научно-практическое значение приобретает определение таксономической структуры, выявить закономерности сезонной сукцессии зоопланктона Аральского моря.

Фактически мы являемся свидетелями самой значительной по масштабам трансформации экосистемы одного из крупнейших озер планеты. Однако процесс этой сукцессии недостаточно описан, недостаточно вскрыты закономерности изменений компонентов биоты и абиотических параметров. Немаловажно и то, что сходная эволюция характерна для большинства озер аридных зон Центральной Азии. Уточнение современного состояния и выявление закономерностей сукцессии экосистемы моря имеет как фундаментальное, так и прикладное значение. Поэтому, исследования зоопланктона и выявление закономерностей сукцессии Арала имеет научно-практическое значение при создании в дальнейшем прогностических моделей подобных водоемов.

В республике большое внимание уделяется на исследование зоопланктона и рациональному использованию биоресурсов Аральского моря. В данной направлении с конца 1990-х гг. в планктоне Аральского моря появился солелюбивый жаброногий рачок артемия. Яйца артемии используются как стартовый корм при разведении креветок и ценных видов рыб и обладают значительными экспортными возможностями. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан² определена задача по принятию “...системных мер по снижению отрицательного воздействия глобальных климатических изменений и катастрофы Аральского моря”. Исходя из этих задач, в частности, особое научно-практическое значение приобретают выявление таксономической структуры зоопланктона

¹Указ Президента Республики Узбекистан. О стратегии дальнейшего развития Республики Узбекистан. №УП-4947. 7 февраля 2017 года.

Большого Арала, выявить закономерности сукцессии сообществ зоопланктона Аральского моря при переходе водоема от солоноватоводного к раповому состоянию, оценить промысловые запасы цист артемии Аральского моря.

